

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АЛИЕВА АННА ВАЛЕРЬЕВНА

**COVID-19 НИНГ ЎТКИР ВА COVIDДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА
ГИПЕРГЛИКЕМИК ҲОЛАТ ВА ҚАНДЛИ ДИАБЕТ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Алиева Анна Валерьевна

COVID-19 нинг ўткир ва COVIDдан кейинги
даврдда гипергликемик ҳолат ва қандли
диабет.....

3

Алиева Анна Валерьевна

Гипергликемические состояния и сахарный диабет
в остром периоде COVID-19 и в постковидном
периоде.....

27

Alieva Anna Valerjevna

Hyperglycemic conditions and diabetes mellitus
in acute COVID-19 and in post-COVID
period.....

52

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works

53

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АЛИЕВА АННА ВАЛЕРЬЕВНА

**COVID-19 НИНГ ЎТКИР ВА COVIDДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА
ГИПЕРГЛИКЕМИК ҲОЛАТ ВА ҚАНДЛИ ДИАБЕТ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.DSc/Tib334 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Исмаилов Сайдиганиходжа Ибрагимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимова Гулнара Нишановна,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шагазатова Барно Хабибуллаевна,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мусабаев Эркин Исакович,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

НУО Қозоғистон-Россия тиббиёт университети

Диссертацияси ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг “_____” _____ 2023 й. соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил “_____” _____ куни тарқатилди
(2023 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

З.Ю. Халимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси (DSc))

Диссертация муаммонинг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан 2020 йил 11 мартда эълон қилинган янги коронавирус инфекцияси COVID-19 пандемияси бутун жаҳон ҳамжамиятини хавф остига қўйди. Сурункали юқумли бўлмаган касалликлар, хусусан, қандли диабет (ҚД) билан касалланган одамлар ушбу касалликка айниқса мойил. Коронавирус инфекциясининг ўткир даврида диабет билан оғриган беморларнинг юқори касалланиш ва ўлим даражаси салбий оқибатларга олиб келадиган энг муҳим хавф омилларини ва ушбу беморларни бошқаришнинг оптимал тактикасини излаш вазифасини қўяди. Глобал маълумотларга кўра, қандли диабетдаги COVID-19 нинг оғир кечиши узок вақт давомида мақсадли гликемик даражаларга эриша олмаслик, кекса ёш, ортиқча вазн ва семириш, артериал гипертензия ва бошқа юрак-қон томир касалликлари каби омиллар билан боғлиқ. Бошқа томондан, ўткир ва COVIDдан кейинги даврида қандли диабетнинг янги ҳолатлари пайдо бўлади, уларни умумейтироф этилган ЖССТ номенклатурасига кўра таснифлаш қийин бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, илгари мавжуд бўлган диабетнинг сурункали микро- ва макроваскуляр асоратларининг ривожланиши тезлаштирмоқда.

Бутун дунёда пандемия бошланганидан бери, диабет билан касалланган беморлар, ҳам болалар, ҳам катталарда, COVID-19 нинг ўткир даврида ва ковиддан кейин пайтда оғир касаллик ва ўлимнинг энг муҳим хавф омилларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, COVID-19 нинг ўткир даврида юзага келадиган гипергликемиянинг генези ва кейинги прогнози қандай эканлиги номаълум бўлиб қолмоқда: улар вақтинчалик характерга эгами ёки қандли диабетга айланадими? Коронавирус инфекцияси оғир бўлиб ўтадиган беморлар учун янги аниқланган қандли диабетнинг қайси тури характерлидир? COVIDдан кейинги даврда қандли диабетнинг янги ҳолатларининг пайдо бўлиш вақти қандай? Қандли диабет билан оғриган беморларда COVIDдан кейинги синдроми қандай белгилар ва аломатлар билан бирга келиши, шунингдек, ушбу тоифадаги беморларда COVIDдан кейинги асоратларни ривожланишининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва даволаш усуллари дунё олимларида илмий қизиқиш уйғотмоқда.

Мамлакатимизда тиббий ёрдамни ташкил этишни такомиллаштириш, хусусан, эндокринология соҳасини жаҳон андозалари даражасига келтириш изчил амалга оширилмоқда. Тиббиёт ходимлари олдига тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва улардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва касалликларнинг олдини олиш, шу жумладан, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхислаш ва даволашнинг, патронаж ва диспансеризация моделларининг юқори технологияли усуллари жорий этиш каби вазифалар қўйилган.¹ Қандли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7- декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590 - сон

диабет билан касалланган беморлар ўртасида ўтказилган тадқиқотлар натижаларини ҳақиқий клиник амалиётга жорий этиш ташҳислаш ва даволашнинг илмий асосланган замонавий усулларини ишлаб чиқишга, беморларнинг умрини узайтиришга ёрдам беради.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 апрелдаги “2019 — 2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4295-сон қарорида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 — 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сон қарорида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Эндокринологик хизматни такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-102-сон қарорида, шунингдек ушбу фаолият соҳасига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги: коронавирус инфекцияси пандемиясининг, айниқса, сурункали юқумсиз касалликларга чалинган ва коморбид ҳолатдаги аҳолининг заиф гуруҳлари ўртасида такрорланувчи эпидемик тўлқинларни, турли хил популяцияларда катталар орасида дастлабки тўлқинлардан тортиб асосан ҳомиладор аёллар ва болаларга таъсир қилувчи охирги тўлқинларга қадар касаллик кечишининг олдиндан тахмин қилиб бўлмаслигини ҳисобга олган ҳолда ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари устувор йўналиши: IV. “Тиббиёт ва фармакология”га мувофиқ бажарилди. .

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.

Бутун дунё бўйлаб қандли диабет ва коронавирус инфекциясининг ўткир ва узоқ келажакдаги ўзаро таъсири бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, чунки ушбу вирусли инфекция пандемиясини бирорта ҳам мамлакат четлаб ўтолмади. Хитойлик (Liu D., Wuhan; Zhang W., Wang X.), Буюк Британиялик (Arnold D.T., Daynes E., D'Cruz R.F., Halpin S.J., Mandal S., Kingstone T., Hopkins C., Townsend L.), Италиялик (Carfi A., Tomasoni D., Sollini M., Boscolo-Rizzo P., Lovato A., Mazza M.G., Vaira L.A.), Франциялик (Carvalho-Schneider C., Carrigues E., Poncet-Megemont L.), АКШдан (Jacobs L.G., Blair P.W., Jacobson K.B.), Швейцариялик (Pellaud C.), Эронлик (Rahmani H.), Испаниялик (Rosales-Castillo A., Taboada M., Villarreal I.M.), Австриялик (Sonnweber T.), Бразилиялик (Brandao Neto D.), Бельгиялик (Chiesa-Estomba C.M.), Даниялик (Fjaeldstad A.W.), Фароз Ороллари (Petersen M.S.),

Норвегиялик (Stavem K.), Нидерландиялик (Vaes A.W., Qoertz Y., van den Borst B.), Австралиялик (Darley D.R.), Бангладешлик (Islam M.S.) муаллифларнинг тадқиқотлари қатта қизиқиш уйғотади.

Масалан, 2021 йилда EClinicalMedicine журналида чоп этилган “Ўткир ва сурункали ковиддан кейинги синдромнинг хусусиятлари ва омиллари: тизимли шарҳ ва мета-таҳлил” мақоласида (Iqbal F.M. et al.) ковиддан кейинги синдромдан омон қолган шахслар ўртасидаги хусусиятлар ва натижаларни ўрганишга бағишланган мақолалар таҳлили ўтказилган. Адабиётларни ўрганиш натижасида жами 623 та иқтибос аниқланди ва ўзаро ҳаволалар таҳлилида қўшимча 18 та мақола аниқланди. 89 та мақола асосида тўлиқ матнли шарҳ ўтказилди, улардан 43 та тадқиқот шарҳга киритилди, 30 тасидан мета-таҳлилда фойдаланилди. Тадқиқотлар 18 мамлакатда ўтказилган, уларнинг аксарияти юқори ривожланган мамлакатлардир. Тадқиқотларнинг аксарияти тузилишига кўра кузатув хусусиятига эга бўлиб, трайлга илгари коронавирус инфекцияси билан касалхонага ётқизилган беморлар ҳам, шунингдек унга муҳтож бўлмаганлар ҳам киритилган. Кузатув даври коронавирус инфекцияси қайд этилган пайтдан бошлаб 17,7 кундан 6 ойгача давом этган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Бугунги кунга келиб, қандли диабет билан касалланган беморларни коронавирус инфекциясининг ўткир даврида даволашга бағишланган бир қатор ишлар мавжуд (Wang A., 2020; Rayman G., 2020; Catargi B., 2020; Bornstein S.R., 2020). Шунингдек, сурункали касалликларга чалинган, хусусан, қандли диабет билан касалланган беморларда вирусли инфекциянинг ўткир давридаги коронавирус инфекциясининг кечиш хусусиятларини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлар, шу жумладан, натижаларнинг SARS-CoV-2 вирусини юктиришдан олдин қанд миқдорини туширувчи терапияга боғлиқлиги (Gulick, R.M. et al., 2020; Wargny M., коронавирус ва диабет натижалари бўйича биринчи истиқболли тадқиқот CORONADO, 2020; Abu-Jamous B., 2020; Америка диабетшунослик уюшмаси тавсиялари, Cariou B., 2020; Chen Y., 2020, Cheng X., 2020; Crouse A.B., 2021, Gao Y., 2020; Guan W.J., 2020; Holman N., 2020; Izzi-Engbeaya C., 2020; Kalmykova Z.A., 2020; Kim M.K., 2020; Lukito A.A., 2020; Pal R., 2020; Philipose Z., 2020; Sardu C., 2020; Sinclair A., 2020; Singh A.K., 2020; You J.H., 2020; Zhu L., 2020). Қандли диабет билан касалланган беморларда ковиддан кейинги даврнинг баъзи хусусиятларини тавсифловчи ишлар (Ahmed H., 2020; Barron E., 2020; Vinaayagam S., 2020), шунингдек, бошдан кечирилган COVID-19 дан кейин илк бор пайдо бўлган қандли диабетнинг янги ҳолатларини ўрганишга бўлган уринишлар ҳам пайдо бўлмоқда (Lim S., 2021; Yang J.K., 2020). COVID-19 ни даволашда глюкокортикоидларни буюриш бўйича тавсиялар узоқ вақтдан бери мунозарали бўлиб келган (Arabi Y.M., 2020; Lakhani O.J., 2017; Mehta P., 2020; Horby P., RECOVERY Colaborative Group Report, 2020; Soy M., 2020; Tatalovich, 2019; Verbic D.M., 2021, Sterne J.A.C., WHO REACT Working Group, 2020; Zayed Y., 2020; Zhao J.P., 2020). Уларни COVID-19 нинг ўткир даврида

буюрганда қандли диабетнинг кейинги кечишига қандай таъсир қилиши ўрганилмаган.

Ўзбекистон Республикасида 2020 йилнинг ўрталарига келиб COVID-19 нинг оғирлигига қараб ва турли ўткир ҳамда юқумли касалликларда гипергликемияси бўлган беморларни даволаш бўйича халқаро тавсиялар асосида мослаштирилган протокол ишлаб чиқилган эди (Хайдарова Ф.А., Рахимова Г.Н., Алиева А.В. ва бошқалар). Бироқ, қандли диабет билан касалланган беморларда коронавирус инфекциясининг кечиш хусусиятлари ва унинг оқибатларини мақсадли ўрганиш фақат мазкур илмий иш доирасида ўтказилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда COVID-19 вирусли инфекциясини бошдан кечиргандан кейин пайдо бўлган қандли диабетнинг янги ҳолатларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар йўқ. COVIDдан кейинги давр қандай кечишига оид саволлар ҳам очиқлигича қолмоқда. Гемостаз тизими бузилиши жараёнларини қандай назорат қилиш кераклиги, антикоагулянт препаратлар ва / ёки антиагрегантларни қанча муддат қабул қилиш кераклиги аниқ эмас.

Юқорида баён этилганлар коронавирус инфекциясининг ўткир даврида ва ундан кейинги даврда қандли диабет билан касалланган беморларни даволаш муаммоси замонавий эндокринологиянинг долзарб вазифаларидан бири деб ҳисоблаш имконини беради ҳамда ушбу тадқиқотни ўтказиш заруратини тасдиқлайди.

Диссертация тадқиқотининг у бажарилган илмий-тадқиқот мясасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг А-СС-2021-139 “Гипергликемик ҳолатларда ва қандли диабетда COVID-19 ва унинг асоратларини ташҳислаш, олдини олиш ва даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш” илмий гранти доирасида бажарилган (2020-2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади COVID-19 нинг ўткир даврида ва COVIDдан кейинги даврда гипергликемик ҳолатлар ва қандли диабетни ташҳислаш, олдини олиш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 бошдан кечирган беморлар орасида углевод алмашинуви бузилишлари учрашини ва хусусиятини баҳолаш;

COVID-19ни амбулатор ва шифохона шароитларда даволашда глюкокортикоидларни қабул қилиш жараёнида гипергликемия ҳосил бўлиш даражасини ўрганиш;

қанд туширувчи дори воситаларининг қиёсий самарадорлигини ва уларнинг ҚД2 мавжуд беморларда COVID-19 нинг кечиши, тахмини ва натижаларига таъсирини ўрганиш;

COVID-19 бошдан кечирган ҚД билан касалланган беморларда микро-ва макротомир асоратларини кузатиш усулини аниқлаш;

углевод алмашинуви бузилишларини эрта аниқлаш учун COVID-19 ни бошдан кечирган, ҚД бўлмаган ёши катталарни кузатиш усулини аниқлаш;

COVID-19 пандемияси шароитида қандли диабет билан касалланган беморларни эрта ташҳислаш, даволаш, мониторинг қилиш ва диспансеризациядан ўтказиш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида COVID-19 бошдан кечирган 5211 беморлар олинди: 2020 йилда COVID-19 бошдан кечирган 5023 нафар Тошкент аҳолиси (углевод алмашинуви бузилишлари мавжудлигидан қатъий назар); 2-турдаги диабет билан касалланган, COVID-19 бошдан кечирган 118 нафар бемор; қандли диабет COVID-19 пайтида ёки ундан кейин аниқланган 18 ёшдан ошган 70 нафар беморлар олинган.

Тадқиқот предмети сифатида клиник ва анамнестик маълумотлар; бемор картаси (касаллик тарихи); Тошкентда COVID-19 билан касалланган беморларнинг маълумотлар базаси; лаборатор текширишдан ўтказиш учун венадан олинган қон.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда эпидемиологик усуллар, сўровнома ўтказиш усуллари, умумий клиник, биокимёвий қон таҳлиллари аланинаминотрансфераза, аспартатаминотрансфераза, гаммаглутаминотрансфераза (ГГТ), мочевино, креатинин, оч қоринга ва овқатланишдан 2 соат ўтгач гликемия, липид спектри, гликирланган гемоглобин, С-реактив оксил, интерлейкин (IL) -6, коагулограммалар, шу жумладан Виллебранд ва Д-димер омили, прокальцитонинни аниқлаш билан қўлланилди, гормонал тадқиқотлар-тиреотроп гормони (ТТГ), инсулин, С-пептид, Д ва В12 витаминларни аниқлашни ўз ичига олди. Шунингдек ICAM ва VCAM хужайралараро адгезия молекуласини, инсулинга, глутаматдекарбоксилазага (ГАД) ва ошқозон ости беши оролчаларига нисбатан антижисмлар аниқланди ва маълумотларни қайта ишлашнинг статистик усуллардан фойдаланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

COVID-19 инфекциясидан кейин беморларни 7,94% да қандли диабетнинг пайдо бўлиши, шунингдек, 2-тур диабетнинг 15,19% ҳамда 1-тур диабетнинг 4,24% аниқланганлиги ва янги олинган маълумотлар диабет билан оғриган беморлар учун коронавирус инфекцияси юқори хавф эканлиги аниқланган;

илк бор коронавирус инфекциясидан кейин диабет аниқланган беморларда касалликнинг патогенезида рол ўйнайдиган глутаматдекарбоксилазага нисбатан антижисмлар даражасининг ошиши аниқланган;

COVIDдан кейинги даврда ҚД билан касалланган беморларда асоратлар ривожланишида қон-томир адгезия молекулаларининг тутган ўрни кўрсатилган;

2-турдаги ҚД билан касалланган беморларда қанд миқдорини туширувчи воситаларнинг қиёсий самарадорлиги ва уларнинг COVID-19нинг кечиши, прогнози ва натижаларига таъсири аниқланган;

COVID-19 оғир кечган беморларда аутоиммун эндокринопатиялар ва қон-томир асоратларининг ривожланиши нуқтаи назаридан глюкокортикоидларнинг ҳимоя таъсири кўрсатилган;

COVID-19 пандемияси ҳолатида қандли диабет билан касалланган беморларни эрта ташҳислаш, даволаш, мониторинг қилиш ва кўриқдан ўтказиш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент шаҳрида таҳлил қилинган 5023 нафар COVID-19 билан касалланган беморларнинг 7,94 фоизи COVID-19 инфекцияси вақтида биринчи марта қандли диабет билан касалланган, 4,24 фоизи 1-тур қандли диабет билан, 15,19 фоизида 2-тур диабет, 72,63 фоизида углевод алмашинуви бузилишлар аниқланмаган. Тошкент шаҳрида касалхонага ётқизилганлар сонининг 56,05 фоизида ва коронавирус инфекцияси қайд этилганлар сонининг 11,1 фоизида транзитор гипергликемия қайд этилган.

ҚД, ортиқча вазн ва семизлик COVID-19 ни оғир кечиши билан боғлиқ бўлиб, улар оғир COVID-19 билан касалланган беморларида мос равишда 57,31%, 48,04% ва 54,67% да учраган, шу билан бирга инфекция ўтказганларнинг умумий сони орасида ҚД, ортиқча вазн ва семизлик мос равишда 27,37%, 30,94% ва 21,12% ҳолатда кузатилган. Оғир кечишининг энг катта хавфи 2-турдаги ҚД билан касалланган шахсларда мавжуд бўлган;

Ёши катталар орасида диабетнинг янги ҳолатлари (16,7% 1-тур ҚД, 78,57% 2-тур ҚД ва 4,76% LADA) COVID-19 бошдан кечиргандан кейин ўртача 5,4 ой ўтгандан сўнг кузатилади, касалланиш 1, 3-6 ва 15 ойларда юқори бўлади, ушбу муддатларда ГАД ва инсулинга нисбатан антижисмлар даражасининг кўтарилиши қайд этилади;

глюкокортикоидларни қўллаш билан қандли диабетнинг янги ҳолатлари пайдо бўлиши ўртасида аниқ боғлиқлик кўрсатилди: уларни қабул қилишда қандли диабетнинг ривожланиш эҳтимоли нисбати 2,17 ни ташкил этди (95% ишонч интервали (ИИ) 1,763-2,669, $p < 0,0001$). Ортиқча тана вазни мавжуд бўлганда диабет ривожланиш хавфи 32% га, семизликда - 2,1 бараварга ошади (95% ишонч оралиғи (ИИ) 1,704-2,692, $p < 0,0001$), гормонни қабул қилган ва ортиқча вазнга эга бўлганлар орасида диабетнинг ривожланиш эҳтимоли тенглашди, шу билан бирга семиз одамларда касаллик ривожланиш хавфи юқориликча қолди ва 1,73 ни ташкил этди (95% ИИ 1,298-2,305, $p = 0,0002$);

метформин ва 4-тур дипептидил пептидаза ингибиторлари (4-ДППи) нинг COVID-19 туфайли беморларни касалхонага ётқизиш хавфига эҳтимолий ҳимоя таъсири аниқланди (ҚД бўлмаганларга нисбатан метформин учун имконият муносабати (ИМ) 0,847, 95% ИИ 0,486-1,475, $p = 0,557$ ва 4-ДППи учун ИМ 3,993, 95% ИИ 0,994-16,039, $p = 0,051$). Тузатиш киритилганда ҳолат-назорат таҳлили касалликнинг оғир кечишида, касалхонага ётқизиш ёки ГКС буюриш заруратида ва COVID-19 касаллигидан олдин қанд миқдорини туширишга қараб ўлим даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқни аниқламади;

COVID-19 нинг ўткир даврида ва ундан кейин 3-15 ой давомида глюкокортикоидлар билан даволанган ҳамда қандли диабет билан касалланган беморларда ошқозон ости беши таркибий қисмларига нисбатан антижисмларнинг паст даражаси (антиГАД антижисмлар $70,45 \pm 316,83$ Ед/мл қарши $6,39 \pm 25,41$ Ед/мл, $p=0,02$; ошқозон ости беши оролчаларига антижисмлар $3,67 \pm 7,56$ нг/мл қарши $1,56 \pm 5,12$ нг/мл, $p=0,04$; инсулинга антижисмлар $5,75 \pm 11,46$ Ед/мл қарши $3,47 \pm 3,12$ Ед/мл, $p=0,04$) гормон инфекциянинг ўткир даврида аутоиммун касалликларга нисбатан қўлланилганда уларнинг эҳтимолий ҳимоя таъсири ҳақида фараз қилишга имкон беради;

SARS-CoV-2 вирусининг ошқозон ости беши бета ҳужайраларига тропизмини кўрсатди, бу вирусли инфекциядан кейин 1-15 ой ичида COVID-19 касаллиги пайтида 2-тур диабет билан касалланган беморларнинг 6,4 фоизида ГАД га антижисмларнинг қўпайишини аниқлашдан далолат беради, бу беморлардан фақат 7 (58,33%) инсулин терапиясини олган. 2-тур ҚД ва ГАД антижисмлари даражаси юқори бўлган беморларнинг ҳеч бирида COVID-19 нинг оғир кечиши кузатилмаган, тўрттасида (33,33%) ўрта оғир, қолганларида енгил COVID-19 шакли кузатилган;

COVID-19 ни даволашда дексаметазон олган беморларда VCAM 1 қон томир ҳужайралари ёпишқоқ молекулаларининг нисбатан паст даражаси ($657,78 \pm 480,50$ нг/мл қарши $423,75 \pm 347,56$ нг/мл, $p < 0,001$) уларда узок келажакда эндотелиал дисфункция хавфи паст бўлади деб тахмин қилишга асос бўлади;

COVID-19 ни бошдан кечирган қандли диабет билан касалланган беморлар учун, биринчи навбатда, тромбоемболик асоратларни қўзғатувчи эндотелиал дисфункция билан боғлиқ гемостаз тизимидаги бузилишлар хос, улар орасида ушбу касалликка хос бўлмаган қўл томирлари ва синус тромбозлар (13,4%), шунингдек, ЮИК (64,8%), нефропатия (55,3%), автоном полинейропатия ривожланишининг жадаллашуви (27,4%), васкулитлар (23,5%) ҳамда когнитив бузилишларнинг (6,1%) ривожланиши етакчилик қилади;

коронавирус инфекциясини бошдан кечирган беморлар учун даволаш алгоритми ишлаб чиқилган ва у қуйидагиларни ўз ичига олади: анамнезда ҚД бўлмаган одамларда 1, 3, 6 ва 15 ой муддатларда гликемияни назорат қилиш (оч қоринга ва овқатдан кейин); қандли диабет билан касалланган беморлар учун - ГФТ, ферритин, ФКТВ, тропонин, Д-димерни ҳисоблаш билан креатинин даражасини инфекцияни ўтказгандан кейинги дастлабки 15 ой давомида ҳар 3 ойда назорат қилиб бориш. ҚД билан касалланган беморларда тромботик асоратларнинг олдини олишга патогенетик жиҳатдан асосланган ёндашув коронавирус инфекциясидан кейин камида 3 ой давомида бевосита антикоагулянтларни (коагулограмма назорати остида), шунингдек, ААФИ, бета-блокаторлар, статинлар, фибратларни уларнинг қон томирлари эндотелийси фаолиятига қўмаклашиш эҳтимоли муносабати билан буюриш мақбул ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишдаги назарий ёндашув ва усулларнинг тўғри қўлланилганлиги, ўтказилган текширувларнинг аниқлиги, танланманинг етарли ҳажми, замонавий статистик, клиник, биокимёвий усуллардан фойдаланилганлиги билан тасдиқланади; олинган натижалар хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққослашга асосланган; хулосалар ва олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Қанд туширувчи терапиянинг мақбул тактикасини танлаш, шунингдек, юрак-қон томир асоратлари ва гемостаз тизими томонидан келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни кузатиб бориш юрак-қон томир ва бошқа касалликларни даволаш, беморларни реабилитация қилиш учун соғлиқни сақлаш мақсадида сарфланадиган бевосита харажатларини камайтиришга, шунингдек уларни меҳнатга лаёқатлилигини йўқотиши ҳамда уларни қариндошларини парваришлаши билан боғлиқ билвосита харажатларни камайтиришга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилганлиги. COVID-19 нинг ўткир даврида ва ковиддан кейинги даврда гипергликемик ҳолатлар ва қандли диабетни ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар асосида олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали 17.05.2023 йилдаги 110-сонли буйруқ билан, Тошкент вилоят эндокринология диспансери бўйича 20.05.2023 йилдаги 22/1 сонли буйруқ билан, Фарғона вилояти эндокринология диспансери бўйича 30.12.2022 йилдаги 84-сонли буйруқ ҳамда Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 17.01.2023 йилдаги 5-І^а сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

COVID-19 инфекциясидан кейин беморларни 7,94% да қандли диабетнинг пайдо бўлиши, шунингдек, 2-тур диабетнинг 15,19% ҳамда 1-тур диабетнинг 4,24% аниқланганлиги ва янги олинган маълумотлар диабет билан оғриган беморлар учун коронавирус инфекциясининг юқори хавфини кўрсатди.

Глутаматдекарбоксилазага антижисмларнинг даражасига қараб тактикани танлаш билан диабетни ўз вақтида патогенетик даволашни бошлаш гликемиянинг мақсадли даражасига тез эришишга ёрдам беради, диабетнинг асоратлари ривожланиш хавфини камайтиради.

Қандли диабет билан касалланган беморларда COVID-19 дан кейин асоратлар ривожланишининг олдини олиш мақсадли назорат кўрсаткичларини тез эришишга ёрдам беради, диабетнинг асоратлари ривожланиш хавфини камайтиради.

Қандли диабетга чалинган беморларда COVID-19дан кейин эндотелиал дисфункцияни даволаш ва асоратлар ривожланишининг олдини олиш беморларнинг касалхонага ётқизиш ва ногиронлик муддатини қисқартиш орқали иқтисодий самарадорликга эришилади.

Инсулинтерапияда бўлган ҚД 2 тур беморларда тез-тез гликемия назорати ўз вақтида инсулин коррекцияси ва пешоб таркибида кетон таначалари мавжудлигини назорат қилиш самара берган; перорал гипогликемик препарат қабул қилувчи беморларда, агар коронавируснинг энгил кечиши бўлса терапияни коррекцияси талаб этилмаган, аммо ич кетиши, кунгил айнаш, қайд қилишда 2-тур натрий-глюкоза котранспортер воситаларидан воз кечиш, шунингдек гипогликемия хавфини олдини олиш мақсадида сулфонилмочевина хосилалари препаратлари дозасини назорат қилиш тавсия этилган; коронавирус инфекциясининг ўрта оғир ва оғир кечишида ҚД 2-тур беморлар мажбурий равишда касалхонага ётқизишни ва инсулин терапиясига ўтишни талаб қилган. Шу билан бирга таблетка кўринишидаги гипогликемик воситалар ва 1-тур глюкагонга ўхшаган пептиднинг рецептор агонистларини вақтинчалик тухтатиш тавсия этилгани даволаниш сифатини янада оширишга хизмат қилган. Метформин ва 4-тур дипептидил пептидаза ингибиторларининг COVID-19 туфайли беморларни касалхонага ётқизиш хавфига эҳтимолий ҳимоя таъсири аниқланган.

COVID-19 нинг ўткир даврида ва ундан кейин 3-15 ой давомида глюкокортикоидлар билан даволанган ҳамда қандли диабет билан касалланган беморларда ошқозон ости беши таркибий қисмларига нисбатан антижисмларнинг паст даражаси гормон инфекциянинг ўткир даврида аутоиммун касалликларга нисбатан қўлланилганда уларнинг эҳтимолий ҳимоя таъсири ҳақида фараз қилишга имкон беради; COVID-19 ни даволашда дексаметазон олган беморларда 1-тур қон томир ҳужайралари адгезия молекулаларининг нисбатан паст даражаси уларда узок келажакда эндотелиал дисфункция хавфи паст бўлади деб тахмин қилишга асос бўлади.

Таклиф этилган алгоритмлар ва комплекс ёндашувдан фойдаланиш, коронавирус даврида қандли диабетни эрта ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилаш ва эрта ўлим ҳолатларини камайтириш имконини яратган.

Қандли диабетни асоратсиз даволаш учун ойига ўртача 1 миллион 200 минг сўм маблағ талаб қилинса, қандли диабет асоратларини даволашда касалхонага ётқизишни ҳисобга олган ҳолда 10 миллион сўмга яқин маблағ талаб қилинади, юқоридаги кўрсатмаларга амал қилган ҳолда қандли диабетни асоратларини камайтириш ва олдини олиш давлат маблағларидан 8-9 миллион сўм атрофида иқтисод қилиш имконини яратади.

Алиева Анна Валерьевнанинг «COVID-19 нинг ўткир ва COVIDдан кейинги даврида гипергликемик ҳолат ва қандли диабет» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий амалий тиббиёт марказининг 2022 йил 22 сентябрдаги 01-06/842-сонли хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш, улардан 11 та мақола Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий журналларда нашр этилган, шу жумладан маҳаллий журналларда 5 та мақола, 2 тезис, хорижий матбуотда 6 та мақола ва 5 та тезис чоп этилган.

Диссертация ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, олти боб, якуний қисм, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 194 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари асосланган, объект ва предмет тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Коронавирус инфекцияси ва қандли диабет ўртасидаги боғлиқлик”** деб номланган биринчи бобида диссертациянинг долзарблиги, зарурати ва тадқиқотнинг республика фан ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги асослаб берилган, шунингдек, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган. COVID-19 ва қандли диабетнинг ўзаро боғлиқлиги муаммоси таҳлил қилинган. Уни даволашда глюкокортикоидларни қўллаш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган ва уларнинг қандли диабетнинг янги ҳолатларини ривожланишида тутган ўрни муҳокама қилинган. Глюкокортикоидлар билан ўтказилган терапия ҳолатида гипергликемияни тузатиш тамойиллари кўриб чиқилган. COVID-19ни бошдан кечирган қандли диабет билан касалланган беморларни мониторинг қилишга таалуқли халқаро тавсиялар келтирилган. Қанд миқдорини туширувчи дориларнинг COVID-19 кечишига таъсири бўйича адабиёт маълумотлари шарҳи ва COVIDдан кейинги даврда қандли диабет билан касалланган беморларда пайдо бўлаётган тизимли бузилишлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“COVID-19 нинг ўткир ва ундан кейинги даврда гипергликемик ҳолатлар ва қандли диабетни ўрганиш материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи боби текширилган шахсларнинг умумий тавсифи, лаборатория ва статистик тадқиқот усуллари ўз ичига олади. Тадқиқот анамнезида қандли диабет билан касалланганлигидан қатъий назар 2020 йилда коронавирус инфекцияси билан касалланган 5023 нафар Тошкент шаҳри аҳолиси ўртасида ўтказилган сўровнома маълумотларни ўз ичига олган

ретроспектив қисми, ҳамда яшаш жойидан қатъи назар SARS-CoV-2 ташхиси тасдиқланган инфекцияни бошдан кечирганидан кейин Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида (РИЭИАТМ) шифохона шароитида даволанган 188 нафар 1 ва 2-турдаги ҚД билан касалланган бемор текширувдан ўтказилган қисми ўз ичига олган.

Ўтказилган сўровнома ёш, қандли диабетнинг мавжудлиги, COVID-19 нинг кечиши ва унинг асоратлари мавжудлигига оид саволларни ўз ичига олди.

Диабет ташхиси ЖССТ ташхислаш мезонларига мувофиқ аниқланди. Дастлабки белги пайдо бўлган кун касалликнинг бошланиш санаси деб белгиланди. Беморларнинг барча клиник текшириш натижалари тадқиқот якунида шифохонада бўлиш муддати тугагандан сўнг тақдим этилди.

Антропометрик ўлчовлар Кетле формуласи бўйича ТВИ ($\text{кг}/\text{м}^2$) ни ҳисоблаш билан вазни (кг) ва бўйни (см) ўлчашни ўз ичига олди.

Артериал қон босими (мм. сим. уст.) ҳар бир қўлда камида 2 дақиқа танаффус билан икки марта Коротков усули бўйича тинч ўтирган ҳолатда тонометр ёрдамида ўлчанди. Систолик ва диастолик босим учун ўлчовларнинг ўртача қиймати қайд этилди.

Қоннинг биокимёвий таҳлили ёрдамида аланинаминотрансфераза, аспартатаминотрансфераза, ГГТ, мочевино, креатинин, гликемия, оч қоринга ва овқатланишдан 2 соат ўтгач биокимёвий глюкозооксидаз усулда ва умумий клиник кўрсаткичлар – қон ҳамда пешобнинг умумий таҳлилини ўз ичига олди. Липид спектри, гликирланган гемоглобин Human биокимёвий реактивлари ёрдамида С-реактив оксил, IL-6, коагулограмма, шу жумладан Виллебрант ва Д-димер оксили микдорий, прокальцитонин иммунохемилюминесцент усули ёрдамида аниқланди. Гормонал тадқиқотлар - тиреотроп гормонини (ТТГ), Д ва В12 витамини, инсулин, С-пептидни аниқлашни, шунингдек иммун хемилюминесцент таҳлил (ИХЛТ) усули билан хужайраларо (ICAM) ва васкуляр (VCAM) ёпишиш молекулалари, инсулин, глутаматдекарбоксилаза (ГАД) ва ошқозон ости беши оролчали хужайраларига нисбатан антижисмларни аниқлашни ўз ичига олди. Лаборатория тадқиқотлари Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги РИЭИАТМ марказий клиник лабораториясида ўтказилди.

SARS-CoV-2 вирусига антижисмлар Cobas анализаторида Elecsys Anti-SARS-CoV-2 S реактивларидан фойдаланган ҳолда қон плазмасидаги вируснинг спайк (С) оксилнинг рецептор-боғловчи доменга антижисмлар микдорини аниқлаш орқали электрохемилюминесцент иммунтаҳлил усули орқали аниқланди.

Инсулин, С-пептид, ферритин, интерлейкин 6, тиреотроп гормон (ТТГ), В12 витамини, Д витамини даражалари микдор жиҳатидан тегишли реактивлар ёрдамида Cobas иммунохимёвий анализаторида ECLIA электрохемилюминесцент иммунтест ёрдамида қон плазмасида баҳоланди.

ICAM va VCAM хужайралараро ёпишиш молекулалари, инсулинга, ГАД ва ошқозон ости беги оролчаларига нисбатан антижисмлар миқдоран иммунофермент усули билан аниқланди.

Маълумотларни статистик қайта ишлаш STATA 17.0 дастури ёрдамида амалга оширилди. Таърифловчи статистика ўртача қиймат (mean) \pm SD кўринишида, параметрик бўлмаган маълумотлар % кўрсатилган ҳолда мутлак рақамларда келтирилган. COVID-19 кечиши ва натижаларининг ёш, вазн, диабетнинг давомийлиги ва олдинги қанд туширувчи терапияга боғлиқлигини аниқлаш учун биз эҳтимоллик нисбати ва 95% ишонч оралиғини ҳисоблаш билан бир ўлчамли логистик регрессив таҳлилни ўтказдик.

Ўрганилаётган беморлар гуруҳларида COVID-19 нинг оғир кечиши ривожланиш хавфини баҳолаш учун касалликни энг муҳим хавф омилларини аниқлаш билан кўп омилли логистик регрессия таҳлилинини ўтказдик. Натижалар $p < 0.05$ да статистик жиҳатдан аҳамиятли деб баҳоланди.

Диссертациянинг **“Қандли диабетнинг бор ёки йўқлигига қараб COVID-19 кечишининг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланган учинчи боби учта кичик қисмдан иборат бўлиб, клиник шакллар кесимида COVID-19 билан касалланиш тузилиши тўғрисидаги маълумотларни, инфекцияни оғир кечишига таъсир қилувчи бир қатор омиллар, шунингдек, Тошкент шаҳри мисолида қандли диабетнинг бор ёки йўқлигига қараб унинг клиник аломатлари таҳлилларини ўз ичига олган.

Жами 5023 нафар аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди, уларнинг 3648 нафариди (72,63%) хужжатлар билан тасдиқланган “қандли диабет” ташҳиси йўқ эди, 213 нафариди (4,24%) ҚД 1-тури, 763 нафариди (15,19%) илгари аниқланган 2-турдаги ҚД ташҳиси ва 399 нафариди (7,94%) “қандли диабет” ташҳиси илк бор коронавирус инфекцияси ёки бевосита инфекциясини бошдан кечиргандан кейин аниқланган.

2-турдаги ҚД билан касалланган беморлар орасида йўлдош юрак-қон томир касалликлари бошқа гуруҳларга нисбатан кўпроқ учради. Уларнинг ярмидан сал камроғи артериал гипертензия учдан бир қисми эса сурункали юрак етишмовчилигидан азият чекганлар.

1-турдаги ҚД билан касалланган беморларнинг 47,4 фоизи инфекцияни енгил бошдан кечиришди, 2-турида ва илк бор аниқланган диабет учун ўртача-оғир ва оғир кечиш хос бўлди. Шунингдек, 2-турдаги ҚД ва у илк бор аниқланган беморларда пневмония кўпроқ учради ва кўпинча уларга дексаметазон буюриш талаб этилди.

2-турдаги ҚД билан касалланганлар орасида ўлим ҳолати касаллик бўлмаган гуруҳга нисбатан 5 баравар юқори бўлди.

Бемор ёшининг ортиши, 1-турдаги ҚД билан касалланган беморларни истисно этган ҳолда, унинг енгил кечиш имкониятига салбий таъсир кўрсатади. ҚД бўлмаган ва у илк бор аниқланган беморларда имконият

муносабати (ИМ) бир хил (турли ишонч оралиғини ҳисобга олган ҳолда), касалликнинг 2 турида эса ёш таъсири камроқ аҳамиятга эга бўлди. Касалликнинг оғир кечишига беморлар ёши катта таъсир кўрсатди (бутун танланма учун 0,063).

Ортиқча вазн/семизлик, шунингдек, ҚД мавжудлиги COVID-19 нинг оғир кечишида муҳим ўрин тутди. Улар орасида 2-турдаги ҚД билан касалланган беморларда оғир кечиш хавфи анча юқори (ИМ 3,829, 95% ИИ 2,991-4,901). Илк бор аниқланган ҚД вирусли инфекциянинг оғир кечиши бир мунча (ИМ 2,232, 95% ИИ 1,585-3,142) пастроқ. Ўрганилаётган гуруҳлар ўртасида жинси ва ёши бўйича жуфт-жуфт таққослаш билан ҳолат-назорат таҳлили ўтказилди. ҚД бўлмаганларга нисбатан 2-турдаги ҚД билан касалланганларда шифохонага ётқишига бўлган талаб кўпроқ бўлди (ИМ 1,889; 95% ИИ 1,163-3,132, $p=0,0088$). Жинс бўйича тузатиш киритилганда, ушбу қонунийлик фақат эркакларда сақланиб қолди ва шифохонага ётқишининг нисбий хавфи 2,75 ни ташкил этди (95% ИИ 1,384-5,847, $p=0,0025$).

Логистик регрессия усули билан COVID-19 нинг оғир кечишини таҳлил қилиш қуйидаги хавф омиллари аҳамиятли эканлигини кўрсатди. Ҳар қандай турдаги қандли диабетнинг мавжудлиги (касалликнинг ўткир даврида 1 ва 2-турдаги ёки илк бор аниқланган), ТВИ ортиши, уни ҳар 1 кг/м² га ўсиши COVID-19 нинг оғир кечиш хавфини 7,2% га, ёш бўйича ўрганилганда 4,5% га оширган, шунингдек, артериал гипертензиянинг мавжудлиги ҳам касаллик оғир кечишига салбий таъсир кўрсатувчи сабаблардан бири ҳисобланади.

Диссертациянинг **“COVID-19 даволашда глюкокортикоидларни қабул қилиш ҳолатида гипергликемиялар”** деб номланган тўртинчи бобида амбулатория ва шифохона шароитларида коронавирус инфекциясини даволашда глюкокортикоидларни қабул қилиш жараёнида гипергликемиянинг юзага келиши таҳлили келтирилган. Унинг биринчи қисмида “коронавирус инфекциясининг ўткир даврида глюкокортикоид терапиясини олган ёки олмаган қандли диабет билан касалланган беморларда COVID-19 нинг ўзига хос хусусиятлари” ва “коронавирус инфекциясининг ўткир даврида глюкокортикоид терапиясини олган ёки олмаган қандли диабет билан касалланган беморларда COVID-19 нинг узоқ келажақдаги оқибатлари” таҳлил қилинган.

Текширишдан ўтказилган беморлар орасида мос равишда 126 (67%) ва 62 (33%) нафари дексаметазон билан ва усиз муолажалар олганлар. Уларнинг ўртача ёши $49,74 \pm 19,3$ ва улардан дексаметазон билан даволанганлар $58,05 \pm 9,46$ препаратни қабул қилмаганлар $46,26 \pm 21,14$ ($p < 0,001$) тенг бўлди. Бу ёши каттароқ беморлар дексаметазон терапиясига муҳтож бўлганликларини кўрсатади. Глюкокортикоид терапиясига муҳтож бўлган шахслар уни буюриш зарурати бўлмаган шахслар гуруҳидан 12 ёш катта бўлди. Шунингдек, улар дексаметазонни қабул қилмаган беморларнинг ўртача ҚД билан касалланиш

давомийлиги 6,6 йилни уни қабул қилмаганларники эса узоқроқ - 9 йилни ташкил этди.

COVID-19 нинг ўткир даврида глюкокортикоидларни буюриш кўрсатмалари қандли диабет билан касалланган беморлар учун ҳам долзарблигича қолади. Улар COVID-19 оғир кечиши ва пневмония ривожланиши туфайли касалхонага ётқизишга кўпроқ муҳтож эдилар.

Қандли диабет билан узоқ йил касалланган ва дексаметазон терапиясини олган беморларда COVID-19 нинг анча оғир кечиши ва нисбатан яққол унинг белгилари кузатилган, аммо фарқлар ишончли бўлмади.

COVID-19 инфекциясининг, шу жумладан қандли диабет билан касалланган беморларда ва улар орасида вирусли касалликнинг ўткир даврида глюкокортикоид препаратларини қабул қилганларда узоқ келажақдаги оқибатлар масаласи очик қолаётгани сабабли, клиник-лаборатор тадқиқот маълумотлари касалликдан 1 ой ҳамда 24 ойдан кейин) таҳлил қилинди.

Дексаметазон терапиясини олмаган беморларда овқатланишдан кейин 2 соат ўтгач гликемия кўрсаткичи уни олган беморларга нисбатан юқори бўлган. Дексаметазон олганлар орасида протеинурия яққолроқ ва мочевина ҳамда креатинин кўрсаткичлари қонда баланд эди. Липид спектри ва коагулограмма кўрсаткичларида статистик фарқ аниқланмади. Шунингдек, иккала гуруҳда ҳам ТТГ, ферритин ва инсулин кўрсаткичларида статистик жиҳатдан ўртача кийматлар чегарасида бўлди ва аҳамиятли фарқ кузатилмади.

Дексаметазон олганлар орасида С-пептид даражаси юқори, VСAM1 кон томир хужайралараро ёпишиш молекулалари, инсулинга, ГАД ва ошқозон ости беши оролчаларига нисбатан антижисмлар даражаси пастроқ эди. Шу билан бирга, коронавирус инфекциясини бошдан кечиргандан кейин ҚД илк бор ГКС қабул қилган беморларнинг 25,81 фоизида ва вирусли инфекциянинг ўткир даврида ГКС қабул қилмаган беморларнинг 11,1 фоизида ($\chi^2=6,691$, $p=0,010$) кўпроқ қайд этилди.

Бундан ташқари, 2020 йилда COVID-19 бошдан кечирган, Тошкент шаҳрида яшовчи 5023 нафар беморни қамраб олган ретроспектив тадқиқотимизда глюкокортикоидларни қабул қилиш ва қандли диабетнинг янги ҳолатларининг пайдо бўлиши ўртасида аниқ боғлиқлик борлигини кўрсатди. Қандли диабетнинг ривожланиш эҳтимоли нисбати глюкокортикоидларни қабул қилишда 2.17 (95% ИИ 1.763-2.669, $p<0.0001$) ни ташкил этди.

Шуниси эътиборга лойиқки, ГАДга нисбатан антижисмлар даражаси юқори бўлган 17 нафар бемордан 12 нафари COVID-19 билан касалланишдан олдин 2-турдаги ҚД билан рўйхатга олинган беморларни ташкил қилди. Ушбу беморларда касалликни ўртача давомийлиги $8,42 \pm 6,83$ йилга (3 йилдан 28 йилгача) тенг бўлди.

2-турдаги ҚД билан касалланган, ГАДга нисбатан юқори даражада антижисмларга эга 12 нафар бемордан 7 нафари (58,33%) инсулин терапиясини, 4 нафари (33,33%) метформин олган, улардан 1 нафари (8,33%) метформин ва сульфонилмочевина билан биргаликда инсулин қабул қилган, 1 нафари (8,33%) - iSGLT2 билан инсулин, 1 нафари (8,33%) – 4-ДППи билан метформин, 1 нафари (8,33%) - арГПП1 билан метформин, 1 нафари (8,33%) – 4-ДППи олган. ГАДга нисбатан антижисмлар даражаси юқори бўлган беморлар НВА1с кўрсаткичи бўйича ($9,99 \pm 2,34\%$) ГАДга нисбатан антижисмлар даражаси меъёрида бўлган беморлардан фарқ қилмади ($2,79 \pm 2,08\%$, $p=0,102$). ҚД2 ва ГАДга нисбатан антижисмлар даражаси юқори бўлган беморларнинг ҳеч бирида COVID-19 оғир кечмаган, тўрт нафарида (33,33%) оғирлик даражаси ўртача бўлган коронавирус инфекциясини бошдан кечирган, қолганларида COVID-19 нинг енгил шакли аниқланган.

Ўрганилган беморларда қандли диабетнинг юзага келган дастлабки асоратларини ўрганиш қуйидагиларни кўрсатди. ҚД дастлабки асоратлари орасида ангиопатия (4%), кўз касалликлари (14%), гемодиализ олиш (1%) ва баъзи беморлар инсулин терапиясига ўтишга мажбур бўлганлар (4%).

Бошқа асоратларга аритмия (6%), артроз (2%), когнитив бузилиш (8%) ва перикардитни (1%) кўрсатиш мумкин.

ГКС қабул қилиш ҳолатида коронавирус инфекциясининг ўткир даврида дексаметазон олган беморларда узок келажакда ҚДнинг янги ҳолатлари ривожланиш хавфи исботланганига қарамай, VCAM1 хужайралараро ёпишқоқ қон томир молекулаларининг, инсулинга, ГАД ва ошқозон ости беши оролчаларига нисбатан антижисмлар даражаси пастроқ эди. Бу SARS-CoV-2. вируси кўзгатувчи бўлиши мумкин бўлган ошқозон ости беши бета хужайраларига зарар етказиш патогенезида ГКС нинг ҳимояловчи ўрни ҳақида далолат беради.

COVID-19 инфекциясини бошдан кечиргандан сўнг анча вақт ўтгандан кейин ошқозон ости беши таркибий қисмларига нисбатан антижисмларнинг анча паст даражаси, инфекциянинг ўткир даврида глюкокортикоидларнинг аутоиммун касалликларга нисбатан қўлланганда унинг эҳтимолий ҳимоя таъсири ҳақида фаразни илгари суришга имкон беради. COVID-19 билан касалланиш даврида хужжатлар билан тасдиқланган 2 турдаги ҚД мавжуд беморлар орасида вирусли инфекциядан кейинги 1-24 ой ичида антиГАД антижисмларнинг юқори даражаси аниқланган. Шу билан бирга ушбу беморларни соғайгандан кейин гликемияни ўрнини тўлдириш учун инсулин терапиясига ўтказишга зарурат йўқ эди. COVID-19 ни даволашда дексаметазон олган беморларда қон томир хужайралари ёпишқоқ молекулалари VCAM-1 паст даражада бўлиши кейинроқ ушбу гуруҳдаги беморларда эндотелиал дисфункциянинг анча паст хавфини олдиндан тахмин қилиш мумкин.

ГКСни қабул қилиш ҳолатида ҚД, гликемик профилнинг декомпенсацияси намоён бўлиши, шунингдек, вақтинчалик гипергликемия пайдо бўлиш хавфи ортади.

Тегишли инсулин препарати билан маълум бир глюкокортикоиднинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда гликемияни назорат қилиш гликемик профилни ва шунга мос равишда COVID-19 касаллигининг натижаларини яхшилашни таъминлайди.

Диссертациянинг **“Қандни туширувчи дори воситаларининг қиёсий самарадорлиги, COVID-19 касаллигидан олдин амалга оширилган қанд миқдорини туширувчи терапиянинг касаллик кечишига таъсири, прогнозлар ва натижалар”** деб номланган бешинчи бобида 2020-йилда Тошкент шаҳрида COVID-19 билан касалланган 5023 нафар, шу жумладан 1-турдаги ҚД билан (213 бемор) ва 2-турдаги ҚД билан (763 бемор) аниқланган маълумотлари таҳлили асосида коронавирус инфекцияси пандемияси даврида қўлланиладиган қанд миқдорини туширувчи дориларнинг таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган. Улардан қанд туширувчи терапия коронавирус инфекциясига қадар камида 6 ой давомида ўзгартирилмаган 234 нафар бемор (120 нафар эркак (51,28%) ва 114 нафар аёл (48,72%)) танлаб олинди. Беморларнинг ўртача ёши $56,89 \pm 13,50$ йилни ташкил этди. Қандли диабетнинг ўртача давомийлиги $8,43 \pm 5,81$ йилга тенг эди.

Беморларнинг 14,96 фоизида коронавирус инфекцияси енгил кечган, 58,97 фоизида - ўртача-оғир, 26,07 фоизида оғир кечган. 65,38 фоизи коронавирус инфекциясининг ўткир даврида касалхонага ётқизилган. COVID-19 нинг ўткир даврида касалхонада ётиш даврининг ўртача давомийлиги $8,68 \pm 1,95$ кунни ташкил этди. 73,93% беморлар пневмонияни бошдан кечиришган ва уларнинг 65,81% дексаметазон олган. 5 нафар (2,14%) бемор вафот этган. Вафот этган беморларнинг 4 нафари эркак, 1 нафари 1-турдаги ҚД билан касалланган, барчаси 1-даражали семизликка эга бўлган, қандли диабетнинг давомийлиги 1 йилдан 10 йилгача бўлган (қандли диабетнинг ўртача давомийлиги $6,25 \pm 3,30$ йил), икки нафари метформин қабул қилган (1 нафари одам инсулини билан биргаликда, 1 нафари инсулин аналоги ва 4-ДППи билан биргаликда), икки нафари - СМП, бир нафари (1-турдаги ҚД билан касалланган бемор) инсулин аналоги олган. Барча вафот этганларда икки томонлама пневмония билан коронавирус инфекциясининг оғир кечиши қайд этилган. Уларни фақат уч нафари касалхонага ётқизилган (касалхонада бўлиш ўртача муддати $7,5 \pm 3,32$ кун), икки нафар бемор ГКС олган.

Логистик регрессия усулида ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, инсулин аналогини олган 2-турдаги ҚД беморлар орасида пневмония ривожланиш хавфи 9,6 ни ташкил этди (95% ИИ 1,260-73,979).

Касалхонага ётқизиш хавфига келсак, 2-турдаги ҚД билан касалланган беморларда инсулин ёки СМП қабул қилиш касалхонага ётқизиш зарурати

эхтимолини оширди, инсулин аналогларини қабул қилган беморларда шифохонага ётқизиш ИМ анча юқорироқ бўлган (21,720).

1-турдаги ҚД билан касалланган беморлар учун, COVID-19 оғир кечишининг қабул қилаётган инсулин турига боғлиқлиги таҳлил қилинганда, унинг аналоглари қабул қилинганда оғир кечишининг ИМ 19,8 ташкил қилди, 95% ИИ 3,4-115,5, $p=0,001$. Инсон инсулинлари учун бундай натижалар олинмади ва улар қуйидагидек бўлди: ИМ 2,2, 95% ИИ 0,4-10,9, $p=0,337$.

Инсон инсулинини қабул қилаётганлар учун пневмония ривожланишининг ИМ 3,5, 95% ИИ 0,9-13,8, $p=0,067$ ташкил этди. Унинг аналоглари учун ИМ 6,667, 95% ИИ 0,765 -58,132, $p=0,086$ иборат бўлди.

Айрим қанд миқдорини туширувчи дориларнинг таъсирини таҳлил қилганда, биз Мак-Немарнинг Хи-квадрат коэффициенти ва ИМни ҳисоблаш орқали мос келадиган таққослаш гуруҳларида ёш ва жинсга тузатиш киритдик. Метформин қабул қилиш ушбу таҳлилда COVID-19 нинг оғир кечишига, пневмония мавжудлигига, соғайиш ёки ўлим кўринишидаги натижаларга, шифохонага ётқизиш зарурати ва дексаметазонни қўллашларга таъсир кўрсатмади. Касаллик белгилари таҳлил қилинганда метформин олган шахслар жуфт-жуфт таққослаш билан ҳолат-назорат таҳлилида кўпроқ нафас қисилиши (ИМ 4,6; 95% ИИ 1,8-13,7, $p=0,002$), кўкрак қафасидаги оғриқлар (ИМ 3,7; 95% ИИ 1,8-8,3; $p=0,0001$) шикоят қилишган, кўпинча аритмия ва юрак уришини сезишни қайд этишган (ИМ 3,5; 95% ИИ 1,5-9,7, $p=0,0021$).

Ёш ва жинсга тузатиш киритилгандан сўнг, инсон инсулини олганлар шифохонага ётқизишга кўпроқ мухтож эдилар: ИМ 2,8 (95% ИИ 1,2-7,9, $p=0,0192$). Касалликнинг оғир кечиши, натижалари ва клиник кўринишларида фарқлар йўқ эди.

Корреляция таҳлили қабул қилинаётган қанд миқдорини туширувчи дорилар ва коронавирус инфекциясининг кечиши ўртасида аҳамиятли боғлиқликни кўрсатмади. Логистик регрессия усулида ўтказилган таҳлил инсулин аналоглари олган 2-турдаги ҚД билан касалланган беморларда пневмониянинг юқори хавфини кўрсатди (9,656 (95% ИИ 1,260-73,979)). Инсулин ёки СМП олган 2-турдаги ҚД билан касалланган беморларда касалхонага ётқизиш зарурати эҳтимоли юқори эди. Ўлим билан тугаш, COVID-19 нинг оғир кечиш хавфи ва дексаметазон буюришга бўлган эҳтиёж қабул қилинаётган қанд туширувчи терапия турига боғлиқ эмас эди.

Диссертациясининг **“Қандли диабет ва COVID-19 билан касалланган беморларда шаклланувчи тизимли бузилишлар”** деб номланган олтинчи бобида коронавирус инфекциясини бошдан кечиргандан кейин келажакда ҚД билан касалланган беморларда тромбозлар ва коагулопатиялар учраши таҳлил қилинган ва амалиётдан олинган ҳолатлар ҳамда уларнинг адабиёт маълумотлари билан муҳокамаси баён қилинган. Шунингдек, тадқиқотнинг истикболли қисмида 188 нафар беморни ўрганиш асосида вирусли

